

## **ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛЛИГИ ТАҲЛИЛИ**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

*Б. Қличев*

**Қисқача изоҳ:** Мазкур мақолада миллий иқтисодиётимизда янги атама сифатида қўлланилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг кенг қамровли усулларида бири ишбилармонлик фаоллиги (business activity) тушунчасига таъриф берилган, ишбилармонлик фаоллиги таҳлилининг мазмуни ҳамда таҳлил давомида аниқланадиган коэффициентлар кўрсатиб берилган. Манфаатдор томонлар эҳтиёжларидан келиб чиқиб бизнес фаоллиги таҳлилини ўтказиш зарур ва долзарблиги очиқ берилган. Тақдим этиладиган ахборотлар тизимида бизнес фаоллик таҳлили маълумотлари долзарб ҳисобланиб, мақолада бизнес фаоллик таҳлилида айланма маблағларнинг айланиш тезлиги ва давридан келиб чиқиб аниқланадиган коэффициентлар ишлаб чиқилган. Ушбу коэффициентларнинг мазмуни ёритиб берилган ва амалдаги йиллик молиявий ҳисобот шаклларида келиб чиқиб ҳисоблаш механизми ишлаб чиқилган.

**Abstract:** The main objective of this study is the concept of business activity, which one of the most comprehensive methods of assessing the effectiveness of companies used in international practice and new for our national economy, the content of the analysis of business activity at the level of business entities and the ratios identified during the analysis. It is necessary and relevant to conduct an analysis of business activity based on the needs of stakeholders. The data of the analysis of business activity in the presented information system are up-to-date, and the article develops ratios in the analysis of business activity, which are determined based on the speed and period of turnover of working capital. The content of these ratios is highlighted and a calculation mechanism is developed based on the current annual financial reporting forms of Uzbekistan.

### **Калит сўзлар**

Бизнес фаоллик (business activity, деловая активность), айланиш тезлиги, айланиш даври, бизнес фаоллик коэффициентлари, айланма маблағлар айланувчанлиги.

### **Key words**

Business activity, turnover rate, turnover period, business activity ratios, turnover of working capital.

### **Кириш**

Мамлакатимизда халқаро алоқаларни кенгайтириш, иқтисодий глобализация жараёнлари, трансмиллий корпорацияларнинг ривожланиши ва бошқа бир қатор муҳим сабаблар ягона молиявий тилда гапиришни ва ягона молиявий қондаларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Ушбу зарурият охири-оқибат бухгалтерия тизимини молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (кейинги ўринларда — МҲХС) га ўтиш жараёнини тезлаштирмоқда. Мамлакатимизда ҳисоб тизимини МҲХС га ўтказиш ва юритиш бўйича тегишли қарор ва фармонлар қабул қилиниб, мазкур жараённинг ҳуқуқий асослари ҳам белгилаб берилди. Ҳисоб тизимини халқаро даражага яқинлашиши хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти таҳлили тизимида ҳам бир қатор муҳим тадқиқот ишларини олиб бориш вазифаларини кун тартибига чиқаради. Айнан мана шундай тадқиқот ишларининг объектларидан бири ишбилармонлик фаоллиги концепциясидир. Ишбилармонлик фаоллиги хўжалик юритувчи субъектлар миқёсида ишбилармонлик фаоллиги кўрсаткичлари, иқтисодий ҳудудлар, вилоят ва туманлар миқёсида эса ишбилармонлик фаоллиги индекси (кейинги ўринларда ИФИ) орқали таҳлил қилиниши мумкин.

Хўш, ишбилармонлик фаоллиги кўрсаткичлари нима, улар қандай ҳисобланади? Ишбилармонлик фаоллиги концепцияси дастлаб 1990-1992 йилларда Россия (собиқ СССР) компаниялари амалиётида (деловая активность) пайдо бўлган. Айнан шу йилларда хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятида ижобий силжишлар бошланди. Халқаро бозорга чиқиш компаниялар фаолияти самарадорлигини миқдорий ва сифат жиҳатидан ўрганишни, шунингдек, халқаро бозордаги мавқеини баҳолашни талаб қилди. Шунга кўра, ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошидаги ишбилармонлик фаоллигини (деловая активность) баҳолаш фақат маҳсулотлари халқаро бозорларга чиқиш имкониятига эга бўлган компанияларга нисбатан қўлланилган ва унинг эҳтиёжи компаниялар фаолиятида чет эллик харидорларнинг манфаат, истак ва талаблари мавжудлигидан келиб чиққан.

Мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектларда ишбилармонлик фаоллиги таҳлили нисбатан янги таҳлил объекти сифатида талқин этилаётган бўлса, ҳудудлар кесимида ИФИ ларни ишлаб чиқиш ва эълон қилиш билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги ПҚ-4471 сонли Қарорига мувофиқ қайта ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази шуғулланиб келмоқда.

### **Мавзуга оид адабиётлар шарҳи**


Ишбилармонлик фаоллиги янги иқтисодий атама сифатида муаллифлар томонидан турлича талқин қилинган. Жумладан, муаллиф Ю. Бригхэм [1] фикрича, корхонанинг ишбилармонлик фаоллиги кўрсаткичи активларни бошқаришда сифат омиллари билан баҳоланади. Муаллиф аниқланадиган коэффициентларни соҳанинг ўртача маълумотлари билан таққослашга эътибор қаратади. Дж. К. Ван Хорн [2] ишбилармонлик фаолликни ташқи молиялаштиришда қарорлар қабул қилишда тадбиркорлик фаолиятини баҳолаш методологияси сифатида кўради. В.В. Ковалев [3] ўз асарида тижорат корхонасининг ишбилармонлик фаоллиги кўрсаткичлари унинг ривожланиш динамикасида намоён бўлади, деган фикрни илгари суради. Муаллифлар А.Д. Шеремет [4] ва Г.В. Савицкаялар [5] ўз асарларида ишбилармонлик фаоллигини мажбурият ва активларнинг айланмаси орқали аниқлайдилар. Л.В. Донцова [6] фикрига кўра, компаниянинг ишбилармонлик фаоллиги бу корхонанинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятининг самарадорлиги ва маблағлар айланиш тезлиги ҳисобланади.

### **Тадқиқот методологияси**

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти таҳлили жуда кенг кўламдаги ишлар мажмуи ҳисобланиб, ишбилармонлик фаоллиги таҳлили жараёнида коэффициентлар усулининг қўлланилиши таҳлил ишларининг сифатини, тушунарлилик даражасини ошириши ва энг асосийси, вақтдан ютиш имконини бериши мумкин. Умуман олганда, иқтисодий адабиётларда коэффициентларнинг жуда кўп турлари кўрсатиб ўтилган бўлсада, уларнинг аксарияти мазмунан бир хил натижани бериши ва ушбу коэффициентларнинг маълум бир тизилмавийлик асосида ўрганилмаслиги фойдаланувчилар учун бироз тушунарсиз ҳолатларни юзага келтириши мумкин. Шу нуқтаи-назардан, таҳлил ўтказувчи субъектларга таҳлилнинг мақсади, вазифаларидан ва таҳлил

натижаларидан фойдаланувчиларни мақсадларидан келиб чиқиб, аниқланиши ва ўрганилиши лозим бўлган коэффицентларни таснифлаб ва изоҳлаб чиқишни тавсия қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон қарорига мувофиқ акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари, давлат улуши бўлган тегишли хўжалик жамиятлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (кейинги ўринларда — МҲҲС) асосида тайёрлаши белгилаб берилган. Жаҳон иқтисодий интеграцияси жараёнларининг бир иштирокчиси сифатида мамлакатимиз бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил тизимининг МҲҲС га ўтилиши нафақат иқтисодий жиҳатдан зарур эди, балки, унинг ҳуқуқий асосининг ҳам яратилганлиги миллий компанияларимизнинг салоҳиятли ташқи инвесторлар учун шаффоф, тушунарли ва МҲҲС асосида молиявий ҳисобот тузиш ва тақдим этиш жараёнларини тезлашишига имкон беради.



**1-чизма. Таклиф этилаётган бизнес фаоллиги коэффицентлари**

Миллий ва халқаро амалиётда МҲХС асосида тузиладиган молиявий ҳисоботларни таҳлил қилишда самарали усули сифатида коэффициентлар усулида таҳлил қилиш тезкор хулосалар чиқариш ва оптимал қарорлар чиқаришда муҳим омил сифатида эътироф этилмоқда. Хорижий ва миллий адабиётларимизда турлича молиявий коэффициентларнинг ўрганилиши уларни ўтказилаётган таҳлил мақсадидан келиб чиқиб таснифлаб олиш заруриятини юзага келтиради. Олиб бораётган илмий изланишларимиз натижасида қуйидаги коэффициентларни аниқлашни тавсия қиламиз:

1. Молиявий барқарорлик коэффициентлари;
2. Тўлов қобилияти коэффициентлари;
3. Рентабеллик коэффициентлари.
4. Ишбилармонлик фаоллиги коэффициентлари

#### **Таҳлил ва натижалар**

Мақоламизнинг кириш қисмидаги фикрлардан кўриниб турибдики, таҳлилий мактаб намояндалари ишбилармонлик фаоллигини турлича талқин қилишган.

Фикримизча, муаллифлар А.Д. Шермет, Г.В. Савицкая ва Л.В. Донцовалар берган таърифлардан келиб чиқиб, ишбилармонлик фаоллигига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ. **Ишбилармонлик фаоллиги** айланиш тезлиги ва даврдан келиб чиқиб, айланма маблағлар айланувчанлик ҳолатига баҳо бериш орқали хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини аниқлаш ҳисобланади. Барчага маълумки, иқтисодий таҳлил жараёнида коэффициентлар усулининг қўлланилиши таҳлил ишларининг сифатини, тушунарлилик даражасини ошириши ва энг асосийси, вақтдан ютиш имконини бериши мумкин. Шунга кўра, ишбилармонлик фаоллигини баҳолашда айланма маблағларнинг айланиш тезлиги ва даврдан келиб чиқиб қуйидаги коэффициентлар асосида таҳлил ишларини ташкил қилишни тавсия этамиз (1-чизма).

Мамлакатимизда фаолият юритаётган компаниялар самарадорлигини баҳолашнинг кенг қамровли усулларида бири бу, унинг ишбилармонлик фаоллиги кўрсаткичларини, шу жумладан, компания операцион фаолияти самарадорлигининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш ҳисобланади. Эркин бозор муносабатлари ва юқори даражадаги рақобат шароитида ташкилотнинг ишбилармонлик фаоллигини баҳолашнинг аҳамияти унинг молиявий ҳолатини ўрганишда, стратегик режа ва

ривожланиш истиқболларини шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Ишбилармонлик фаоллиги таҳлилининг долзарблиги ва заруриятини бевосита манфаатдор томонларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб ҳам белгилаш мумкин (1-жадвал).

*1-жадвал*

**Ишбилармонлик фаоллиги таҳлилидан манфаатдор томонлар ва уларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжлари**

№	Манфаатдор томонлар	Ахборотга бўлган эҳтиёжлар
1	Инвесторлар	Берилган инвестициялар билан боғлиқ хатарлар ва кўриладиган фойда миқдори ва даври.
2	Акционерлар	Хўжалик юритувчи субъектнинг дивидендларни тўлаш қобилиятини баҳолашга имкон берадиган ва акцияларни сотиб олиш, сақлаш ёки сотиш керакми ёки йўқлигини белгилашга кўмаклашадиган ахборотлар.
3	Харидор ва буюртмачилар	Хўжалик юритувчи субъектнинг узлуксиз фаолияти тўғрисидаги ахборот, айниқса улар узоқ муддатли битимга эга бўлсалар ёки мазкур хўжалик юритувчи субъектга боғлиқ бўлсалар
4	Банк ва кредит ташкилотлари	Тегишли кредитлар, мажбуриятлар ва фоизлар ўз вақтида ёки муддати кечиктирилиб тўлашни аниқлашга имкон берадиган ахборот
5	Ходимлар ва ишчилар	Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти барқарорлиги ва рентабеллиги билан боғлиқ ҳолда ўз иш ҳақларини, мукофотлар ва кафолатланган иш ўринлари бўйича ишлаш имкониятларини таъминлаш қобилиятига баҳо бериш бўйича ахборот
6	Давлат бошқарув ва назорат органлари	Ресурсларнинг тақсимланиши ва субъектларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборот, хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини тартибга солиб туриш, солиққа тортиш сиёсатини белгилаш учун, миллий даромадни ҳамда бошқа статистик маълумотларни аниқлаш учун асос сифатида ахборот
7	Ташқи инвесторлар, халқаро ташкилотлар ва халқаро рейтинг агентликлари	Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг кўп қирралилиги ҳисобга олинади, молиявий ҳисоботлар улардан фойдаланувчиларни иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган барча ахборот билан таъминлай олмайди, шу сабабли йиллик молиявий ҳисоботларга қўшимча равишда маъмурият томонидан тузиладиган молиявий шарҳлар, молиявий фаолият ва молиявий ҳолатининг асосий белгилари тушунтириб бериладиган, дуч келинадиган асосий ноаниқликлар бўйича ахборотлар

Ишбилармонлик фаоллиги таҳлили мамлакатимиз амалиётида нисбатан янги тушунча бўлганлиги сабабли, ушбу таҳлилни ташкил қилиш, ўтказиш ва таҳлил давомида ўрганиладиган коэффицентларни аниқлаш бўйича ягона методика мавжуд эмас.

*2-жадвал*

**Ишбилармонлик фаоллиги коэффицентлари ва уларни  
ҳисоблаш тартиби**

<b>Айланиш тезлиги</b>			
№	Коэффицент номи	Ҳисоблаш тартиби	Амалдаги молиявий ҳисобот шакллари бўйича
1	Жорий активлар айланиши коэф.	$\frac{\text{Маҳсулот сотишдан соф тушум}}{\text{Жорий активлар}}$	$\frac{2\text{-ш. } 010\text{-сатр}}{1\text{-ш. } 390\text{-сатр}}$
2	ТМЗ лар айланиши коэф.	$\frac{\text{Маҳсулот сотишдан соф тушум}}{\text{ТМЗ лар}}$	$\frac{2\text{-ш. } 010\text{-сатр}}{1\text{-ш. } 140\text{-сатр}}$
3	Дебиторлик қарзлари айланиш коэф.	$\frac{\text{Маҳсулот сотишдан соф тушум}}{\text{Дебиторлик мажбуриятлари}}$	$\frac{2\text{-ш. } 010\text{-сатр}}{1\text{-ш. } 210\text{-сатр}}$
4	Кредиторлик қарзлари айланиш коэф.	$\frac{\text{Маҳсулот сотишдан соф тушум}}{\text{Кредиторлик мажбуриятлари}}$	$\frac{2\text{-ш. } 010\text{-сатр}}{1\text{-ш. } 601\text{-сатр}}$
<b>Айланиш даври</b>			
№	Коэффицент номи	Ҳисоблаш тартиби	Амалдаги молиявий ҳисобот шакллари бўйича
1	Жорий активлар айланиш даври	$\frac{\text{Жорий активлар} * 365}{\text{Маҳсулот сотишдан соф тушум}}$	$\frac{1\text{-ш. } 390\text{-сатр} * 365}{2\text{-ш. } 010\text{-сатр}}$
2	ТМЗ лар айланиш даври	$\frac{\text{ТМЗ лар} * 365}{\text{Маҳсулот сотишдан соф тушум}}$	$\frac{1\text{-ш. } 140\text{-сатр} * 365}{2\text{-ш. } 010\text{-сатр}}$
3	Дебиторлик қарзлари айланиш даври	$\frac{\text{Дебиторлик мажбуриятлари} * 365}{\text{Маҳсулот сотишдан соф тушум}}$	$\frac{1\text{-ш. } 210\text{-сатр} * 365}{2\text{-ш. } 010\text{-сатр}}$
4	Кредиторлик қарзлари айланиш даври	$\frac{\text{Кредиторлик мажбуриятлари} * 365}{\text{Маҳсулот сотишдан соф тушум}}$	$\frac{1\text{-ш. } 601\text{-сатр} * 365}{2\text{-ш. } 010\text{-сатр}}$

Мақоламизнинг кириш қисмида номлари зикр қилинган муаллифлар томонидан ишбилармонлик фаоллиги бўйича аниқланадиган коэффициентлар келтириб ўтилган бўлсада, бухгалтерия ҳисоби тизимидаги миллий хусусиятлардан келиб чиқиб ушбу коэффициентларни тўғридан-тўғри қабул қилиб бўлмайди. Боз устига, ишбилармонлик фаоллигига берилган таърифлар ҳамда бизнес фаоллиги таҳлилини ташкил этиш бўйича ҳам муаллифларнинг турлича қарашга эгаллиги, бизнес фаоллиги таҳлилини ўтказиш ва бизнес фаоллиги коэффициентларини аниқлашда миллий ҳисоб тизими хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашиш зарурлигини тақозо этади.

Шунга кўра, мақоламизнинг натижалар қисмида ишлаб чиқиб, таклиф этганимиз бизнес фаоллиги коэффициентларини Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2003 йил 24 январда N1209 рақами билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига 1-сонли ва 2-сонли иловасида келтирилган, амалдаги молиявий ҳисобот шакллари “Бухгалтерия баланси” (1-шакл) ва “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” (2-шакл)га кўра қуйидаги тартибда аниқлашни тавсия қиламиз (2-жадвал).

### **Хулоса ва таклифлар**

1. Мазкур мақолада етакчи хорижий таҳлил мактаблари натижалари ва тажрибаларидан келиб чиқиб, халқаро амалиётда қўлланилаётган ва миллий иқтисодиётимизда янги ҳисобланган компаниялар самарадорлигини баҳолашда ишбилармонлик фаоллиги (business activity) тушунчасини таърифлаб бердик.

2. Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи компанияларимиз ҳамда салоҳиятли хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги таҳлили натижаларидан шаффоф ва тушунарли ахборотлар тақдим этиш жараёнларини тезлашишида манфаатдор томонлар ва уларнинг ишбилармонлик фаоллиги таҳлили натижаларига бўлган эҳтиёжлари таснифлаб берилди.

3. Мақолада ишбилармонлик фаоллиги таҳлилининг мазмуни ҳамда таҳлил давомида айланма маблағлар айланиш тезлиги ва даврига кўра таснифланган коэффициентлар ишлаб чиқилган. Ушбу коэффициентларнинг мазмуни ёритиб берилган ва Республикамизда амалда бўлиб турган йиллик молиявий ҳисобот шаклларида келиб чиқиб ҳисоблаш тартиби кўрсатиб берилган.



4. Ишбилармонлик фаоллигининг тавсия қилинган коэффициентларини корхоналар операцион фаолияти самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар сифатида аниқлаш ва тақдим этиладиган йиллик молиявий ҳисоботлар таркибида тушунтириш ва изох берувчи кўрсаткичлар сифатида акс эттиришни таклиф қиламиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Бригхэм Ю., Эрхардт М. Финансовый менеджмент: учебник. М.: Питер, 2009. 652 с.
2. Ван Хорн Дж.К., Вахович Дж.М. Основы финансового менеджмента. 12-е изд. - М.: “И.Д. Вильямс”, 2008. 1232 с.
3. Ковалев В. В. Курс финансового менеджмента: учебник. М.: ТК Велби, Проспект, 2010. 448 с.
4. Шеремет А. Д. Комплексный анализ хозяйственной деятельности. М.: ИНФРА-М, 2011. 415 с.
5. Савицкая Г.В. Экономический анализ: учебник. 14-е изд. – М.:Инфра-М, 2017. 649 с.
6. Донцова Л.В., Никифорова Н.А. Анализ финансовой отчетности: учебник. М.: Дело и Сервис, 2008. 368 с.
7. Якимкин В.Н. Фундаментальный анализ. М.: Омега-Л, 2007. 640 с.